

ОИЛА-ТУРМУШ МУНОСАБАТЛАРИ ДОИРАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР-ДАН ЖАБРАНЛАНГАН ШАХСЛАРНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ

Rajabov Umrbek Ravshanbekovich

O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi Ma’naviy-ma’rifiy ishlar va kadrlar bilan ta’minlash departamenti Jismoniy va jangovar tayyorgarlikni tashkil etish boshqarmasi
boshlig‘i podpolkovnik

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20137668>

Аннотация: Ушбу мақолада оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилган ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахсларнинг криминологик тавсифи ўрганилган. Жабрланувчиларнинг ёши, жинси, ижтимоий ҳолати, ҳуқуқий хабардорлиги, психологик ва руҳий ҳолати каби омиллар асосида уларнинг умумий портрети шакллантирилади. Хусусан, оилавий зўравонлик, психологик босим, иқтисодий камситиш, жинсий таҳдидга учраганлар тоифаси таҳлил қилинади. Мақолада шунингдек, жабрланувчиларнинг жиноят тўғрисида хабар беришдаги психологик тўсиқлари, уларни ҳимоя қилишдаги ҳуқуқий механизмларнинг самарадорлиги, ҳамда ижтимоий хизматларнинг роли ёритилган. Таҳлиллар асосан реал криминологик статистик маълумотлар, ижтимоий сўровлар ва жиноят ишлари материаллари асосида олиб борилган.

Калит сўзлар: жабрланувчи, оилавий зўравонлик, криминологик таҳлил, ижтимоий хавф, ҳуқуқий ҳимоя, гендер тенглиги, психологик ёрдам.

Аннотация: В статье рассматриваются криминологические характеристики лиц, пострадавших от правонарушений в сфере семейно-брачных отношений. На основе анализа возраста, пола, социального статуса, правовой осведомленности, психологического и эмоционального состояния жертв формируется их обобщённый портрет. Особое внимание уделяется категориям пострадавших от домашнего насилия, психологического давления, экономической дискриминации и сексуальных угроз. Также исследуются психологические барьеры при обращении в правоохранительные органы, эффективность правовых механизмов защиты и роль социальных служб в поддержке жертв. Анализ опирается на реальные криминологические данные, материалы уголовных дел и социологические опросы.

Ключевые слова: жертва, домашнее насилие, криминологический анализ, социальная опасность, правовая защита, гендерное равенство, психологическая помощь.

Annotation: This article explores the criminological profile of individuals victimized by offenses within the sphere of family and marital relations. The victims’ demographic characteristics—such as age, gender, social status, legal awareness, and psychological condition—are analyzed to form a generalized profile. Special attention is paid to victims of domestic violence, psychological coercion, economic discrimination, and sexual threats. The article also examines psychological barriers preventing victims from reporting crimes, the effectiveness of legal protection mechanisms, and the role of social services in victim support. The analysis is based on criminological statistics, criminal case records, and sociological surveys.

Key words: victim, domestic violence, criminological analysis, social danger, legal protection, gender equality, psychological support.

КИРИШ ВА ДОЛЗАРБЛИГИ.

Айбдор ва жабрланувчи шахс ўртасидаги ўзига хос муносабатлар ҳуқуқбузарлик содир этилишининг омили сифатида криминологияда қадимдан алоҳида эътиборни ўзига жалб этиб келмоқда. Криминологик адабиётларда жабрланувчини жиноятнинг юзага келишидаги асосий омил деб кўрсатиб, содир этилган жиноятдан жабр етказувчи шахс ва унинг қурбони ўртасидаги ўзига хос муносабат оқибати эканлигини таъкидлаган. [1.1.]

Маълумки, жабрланувчи тушунчасига жиноят-ҳуқуқий фанлар тизимида турлича тарифлар берилган. Хусусан, хорижий давлатлар, шу жумладан Болгария ва Руминия жиноят-қонунчилигида жабрланувчи атамаси жиноятдан “зарар кўрган” деб эътироф этилади. Хорижий манбаларда “жабрланган” ёки “зарар кўрган” атамасидан кўпроқ фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигида “ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи деб – жисмоний, маънавий ёки мулкый зарар етказилганлиги оқибатида ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахс” тушунилади.

Таъкидлаш жоизки, бир қатор криминолог олимлар томонидан оиладаги зўравонликнинг жабрланувчисини тадқиқ этишда жабрланувчи масаласига алоҳида эътибор берилган. Жумладан, криминолог олимлар А.Н.Красиков, Д.В.Ривман, Л.В.Франк, О.В.Лихачаева ва бошқалар жиноят жабрланувчиларига бевосита жиноят натижасида зарар етказилган алоҳида шахсларни киритадилар. В.Я.Рыбальскаянинг фикрича, “жабрланувчи қонуний кучга кирган айблов ҳукмида жинойий тажовуз натижасида зарар етказилган деб тан олин олинган жисмоний шахсдир”. [2.4.]

МЕТОДЛАР ВА ЎРГАНИЛИШ ДАРАЖАСИ.

Жиззах вилоятида содир этилган оила-турмуш доирасидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноят ишлари юзасидан жабрланувчи шахслар ҳақидаги маълумотлар ўрганилганида, уларнинг 69,4% эр-хотин бўлиб бирга яшаганлар, 13,5% никоҳдан ажрашганлар, 8,4% қариндош-уруғлар, 4,8% ака-укалар, 3,1% ота-оналар ва фарзандлар, 1,3% ўғай фарзанд ва ота-оналарни ташкил этади.

Жабрланувчи шахсларнинг ёшига оид маълумотлар таҳлил қилинганида уларнинг 31,0%ни 18-25 ёшдаги, 27,7%ни 25-35 ёшдаги, 19,8%ни 35-45 ёшдаги, 14,3%ни 45-55 ёшдаги ҳамда 7,2% 55 ёшдан юқори бўлганлар ташкил этди. Кўришиб турибдики, оилада зўравонлик қурбони бўлганларнинг асосий қисмини 18-25 ёшдагилар ташкил этмоқда.

Ушбу тоифадаги шахсларнинг 60,8% вақтинча ишсиз, 25,6% ишчилар, 12,0% хизматчилар, 1,6% тадбиркорлар ташкил қилади.

Жабрланувчи шахсларнинг оиласидан ажрашганлик аҳволи таҳлил ўрганилганда, уларнинг 33,1%ини 18-25 ёшгача бўлганлар, 27,6% 25-30 ёш, 17,3% 30-35 ёш, 13,0% 35-40 ёш, 5,2% 40-45 ёш, 3,8% 45 ёшдан катта бўлган шахслар ташкил этади.

Жабрланувчи шахслар гуруҳларга ажратиб таҳлил қилинганида, виктимлик даражаси юқори бўлганларнинг 68% аёллар, 15% болалар, 9% қариялар, 6% эркаклар, 2%ни ногиронлар ташкил этади.

Қ.П.Пайзуллаевнинг фикрича, жабрланувчи шахсларнинг кримнологик тавсифи унинг жиноят содир этилишидан олдинги, жиноят содир этилишига сабаб бўлган, шунингдек айнан жиноят таъсирида вужудга келган ҳамда жиноят содир этилишидан кейинги аҳволига қараб берилади. Табиийки, жабрланувчи шахсларнинг кримнологик хусусиятларини ўрганиш муҳим кримнологик чоралар ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ.

М.Х.Рустамбаевнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, номусга тегиш жиноятдан жабрланганларнинг 40,2% айбдорга таниш бўлмаган, 2% қизи (ўғай қизи), 1,5% ўғли(ўғай ўғли), 0,8% ажрашганлар, 2,7% яқин қариндошлари, 22,8% танишлари, 30% танишиб қолган шахслар бўлган.

Д.Р.Холиқовнинг фикрича, аёлларга нисбатан учрайдиган зўравонликларнинг энг кўп шакллари уларни бирга яшашга, фоҳишалик қилишга мажбурлаш, номусига тегиш, зўравонлик қилиш ва спиртли ичимлик, гиёҳвандлик моддалар истеъмол қилдириш, мунтазам хўрлаш ва руҳий таъсир кўрсатиш ҳамда бошқа йўллар билан ўлимга олиб бориш кабилар киради.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, буларга оиладаги узоқ давомли жанжаллар ҳам сабаб бўлиб, зўравонлик оқибатида нафақат муайян шахс жабрланади, балки у ерда тарбияланаётган фарзандлар, нафақат маънавий-руҳий балки, жисмоний жиҳатдан ҳам жабрланади. Тадқиқотимизнинг кўрсатишича, жабрланувчилар фақатгина 33% ҳолатда ҳуқуқбузар шахсларга қаршилик кўрсатган учдан икки қисм жабрланувчилар эса, ҳуқуқбузарнинг хатти-ҳаракатига нисбатан пассив муносабатда бўлишган. [4.5.]

Тадқиқот жараёнида суд архивидан жабрланувчи билан ҳуқуқбузар шахсига оид маълумотлар ўрганилганида, уларнинг 43,1% эркакнинг хотинига, 4,2% хотиннинг эрига, 13,7% ака ёки уканинг бир-бирига, 1,8% опа ёки сингилнинг бир-бирига, 15,7% никоҳсиз бирга яшаган хотини (жазмани)га, 5,3% никоҳсиз бирга яшаган эри (жазмани)га, 6,3% ота ёки онанинг фарзандига, 2,7% фарзанднинг ота ёки онасига, 7,3% бошқа қариндош уларнинг бир-бирларига нисбатан содир этишганлиги маълум бўлди.

Қизиқарли томони шундаки, кўп ҳолларда оиладаги зўравонликдан жабрланганлар ўзларига етказилган зарар (ҳаёти, соғлиғи, шаъни, қадр-қиммати) ҳақида ички ишлар органлари ёки тиббиёт муассасаларига мурожаат қилишмайди. Бу кўпинча аёлларда кузатилади. Суд-тергов идораларидан олинган маълумотлар ўрганилганида, аёлларга нисбатан эри томонидан зўравонлик ишлатилган тақдирда ҳам бу ҳақидаги маълумотларни ошкор қилмасликка, шундай ҳолатларни яширишга ёки тиббиёт муассасаларига мурожаат қилган тақдирида ҳам олган тан жароҳатини ўзининг эҳтиётсизлиги оқибатида олганлиги билан изоҳлашга ҳаракат қилишади. Бунинг асосий сабаби бўлиб, аёлларнинг оиланинг бузилиб кетишидан қўрқиши ёки эрининг обрўсини тўкмасликка интилиши деб изоҳлаш мумкин.

Табиийки, оила-турмуш доирасида ҳуқуқбузарликнинг аксарият қисмида жабрланувчилар ўзларини ҳимоя қилиш имконига эга эмаслар. Мисол учун, тўсатдан оилада юзага келган низони бартараф этишда жабрланувчининг ожиз аҳволда эканлиги уни жабрланишига шароит яратади. Бироқ, бундай ҳолатлар жиноят содир этилишига кўмаклашувчи вазифани ўтайди. Кўмаклашиш деганда – жиноят содир этилишига ёрдам берадиган вазиятни вужудга келтириш тушунилади.

Жабрланувчиларнинг шахси жиноятларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, муайян вазиятларда ўзини фаол ҳаракатларини амалга оширмасдан, балки ўзининг ижобий хулқ-атвори ёки айрим ҳатти-ҳаракатлари билан жиноятларнинг келиб чиқишига тўсқинлик қилиши мумкин. Лекин, кўп ҳолларда жабрланувчилар шундай йўл тутмай ўзининг салбий хулқ-атвори, ахлоқи, маънавиятсизлигини намоён қилиб, жиноятнинг жабрланувчисига айланади. Мисол учун, 1967 й.т. фуқаро А. ўзининг уйида турмуш ўртоғи Р.га «нима сабабдан кўчада юрибсан, уйда ўтирсанг бўлмайдими?» деб сўраган вақтида, турмуш ўртоғи унга «сен ҳам уйда ўтирмасдан бозор қилиб келмайсанми?» деб эрининг шахсиятига тегадиган сўзларни айтиб у билан тортишиши натижасида фуқаро А. турмуш ўртоғи Р.ни қаттиқ предмет билан танасининг турли жойларига уриб шикаст етказган.

Мазкур масала юзасидан С.С.Ниёзова жабрланувчиларнинг жинойи феъл-атвор механизмида тутган ўрнига кўра, уларни икки тоифага, яъни жиноят содир этишга ундовчи ва ундамайдиганларга ажратган. Криминологияда бу айбли ва айбсиз виктимлик деб, эътироф этилади. Шундай қилиб, зўравонлик жиноятларининг қарийб ярмида жиноятчининг қариндошлари ёки танишлари жабрланган. Бу, айниқса қасддан баданга турли даражада шикаст етказиш, ҳақорат қилиш, безорилик, қасддан одам ўлдириш каби жиноятларга хосдир.

С.Н.Абельцевнинг фикрича, қасддан одам ўлдиришнинг мотиви криминоген вазият билан боғлиқ бўлади. Ушбу қилмишлар бўйича ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, қотиллик жиноятлари шахснинг эмоционал руҳий ҳолатининг бузилиши оқибатида юзага келади. Руҳий ҳолатнинг бузилиши инсонга таъсир этган салбий хулқ-атворнинг оқибатида келиб чиқиши мумкин.

Фикримизча, жабрланувчининг хулқ-атворини жинойи хулқ механизмидаги тутган ўрнига қараб таснифлаш кўпроқ аҳамиятлидир. Шу механизмдан келиб чиққан ҳолда, жабрланувчининг хулқ-атворини ўрганишда уларни, жиноят содир этилишига кўмаклашадиган хулқ-атворини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: *биринчидан*, жабрланувчининг салбий хулқ-атвори ва маънавиятсизлиги, *иккинчидан*, шахснинг ҳуқуқий онги ва маданиятининг пастлиги, *учинчидан*, шахснинг мастлик даражаси унинг жиноятдан жабрланишига сабаб бўлади.

Л.А.Колпакованинг фикрича, оиладаги зўравонликдан жабрланган шахсларга унинг оила аъзолари ёки яқин оилавий муносабатда бўлган қариндошлари томонидан руҳий, жисмоний ва бошқа кўринишдаги зўравонликлар содир этилади.

М.Каримжонов, Ш.Бободўстовлар таъкидлаганидек, айрим ҳолатларда жабрланувчиларнинг ўзлари ичкиликбозликка ихтиёрий қатнашади, жиноят содир этиш пайтида маст ҳолатда бўла туриб, ҳуқуқбузарга руҳан ёки жисмонан жиддий қаршилиқ кўрсатиш имконига эга бўлмайдилар.

Оиладаги зўравонликдан жабрланганнинг хулқ-атвори ва хусусиятлари ўрганилганида, уларнинг 47,1%да жиноят содир этилиш вақтида маст ҳолатда бўлган, 31,4% салбий-хулқ атворга эга бўлган, 21,5% ҳолатда эса жиноят содир этилишидан олдин низоли вазиятлар мавжуд бўлганлиги маълум бўлди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, аёлларнинг жисмонан ожизлиги ҳам уларнинг зўравонликка дучор бўлиш эҳтимоли юқори эканлигини кўрсатади. Бундай тазйиқлар, асосан турмуш ўртоқлари томонидан 38% амалга оширилса, улардан кейинги ўринда

қайнона ва қайноталар 32%, эрнинг опа-сингиллари томонидан 19% ҳамда ака-укалари томонидан 11% содир этилар экан.

ХУЛОСАЛАР.

Шундай қилиб, ушбу зўравонликнинг содир этилишида оиладаги ўзаро муносабатлар ва манфаатларнинг қарама-қаршилиги ҳам муҳим рол ўйнаган. Айниқса, жабрланувчиларнинг жиноят содир этилишига таъсир кўрсатган ҳулқ-атвори тасодифий бўлмаган, яъни уларнинг салбий ҳулқ-атвори ва хатти-ҳаракатларида намоён бўлган.

Маълумотларга кўра, АҚШда ҳар йили 3 мингдан 5 минггача бола ўз ота-онасининг шафқатсиз муносабати қурбони бўлишмоқда. Шу билан бир қаторда, 16% болалар ўз ака опалари томонидан турли жисмоний усуллар – савалаш, калтаклаш билан жазоланмоқда. Қолаверса, ўғай ота-оналар томонидан бир йилда 400 мартаба жиноят содир этилаётгани, энг ачинарлиси улар ўз қилмишлари билан фарзандларининг ўлимига сабабчи бўлаётгани аниқланган.

Бизнингча, бу борада жабрланувчилар ҳулқ-атворини тадқиқ этиш вояга етмаганлар виктимологияси унинг криминологияси каби шунчалик муҳимдир. Л.В.Франк таъкидлаганидек, вояга етмаганлар ёшининг бир қатор психологик хусусиятлари айрим турдаги жиноятчилар, жиноят қурбонларининг вужудга келишига бир хил таъсир кўрсатиши мумкин.

Энг ачинарлиси шундаки, оилада болалар ўзлари севадиган ва ишонадиган ота-оналари ёки оиланинг бошқа аъзолари томонидан калтакланиши, хўрланиши, зўравонликка учраш эҳтимоли анча юқоридир. Ҳозирда дунёнинг турли ҳудудларида болалар ўз оила аъзолари томонидан амалга амалга оширилувчи калтаклаш, тепкилаш, силкитиш, дўппослаш, тишлаш, куйдириш, бўғиш, захарлаш ва димиқтириш каби азоб-уқибатларни бошидан кечирмоқда. Баъзи жиддий ҳолларда бундай зўравонлик болаларнинг ўлимига ёки уларнинг ногирон бўлиб қолишига сабаб бўлмоқда. Бошқа ҳолларда жисмоний зўравонлик кўзга ташалувчи иш қолдирмаслиги ҳам мумкин. Аммо, ҳар қандай ҳолда ҳам жисмоний зўравонлик боланинг руҳий саломатлиги ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Оилада болаларга нисбатан қанчалик зўравонлик ёки зулмкорлик ўтказилган тақдирда ҳам улар бу ҳақида ҳеч кимга айтмайдилар, деб қатъий хулоса қилиш мумкин.

О.Анишиқнинг фикрича, оиладаги зўравонликлардан жабрланган шахсларнинг сони ва ундан ҳимояланиш услублари тўғрисида маълумотнинг етарлича эмаслиги бу ҳолатни янада мураккаблаштиради. Умуман олганда, жабрланувчида маълумот даражасининг пастлиги, ўзига нисбатан содир этилган зўравонликни оилавий муаммо сифатида баҳолаши, уни бошқаларга ошкор қилмасдан, келгусида оила аъзолари билан ўртадаги муносабатни ижобий томонга ўзгаришига умид қилиши оиладаги зўравонликнинг латентлик даражасини янада ошишига олиб келади.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2-жилд. –Т., 2006. – Б. 38.
2. Абдурасулова Қ. Аёллар жиноятчилиги // Ҳаёт ва қонун. 2004. – №4. – Б. 71-72.
3. Абдурасулова Қ.Р. Аёллар жиноятчилигининг жиноят ҳуқуқий ва криминологик муаммолари: юрид. фан. док-ри. дисс-я. –Т., 2006. –Б. 117-118.

4. Абзалова Х.М. Одам ўлдиришга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари. Юридик фанлар доктори (Doctor of Science) диссертацияси автореферати. –Т., 2020. – Б.19.
5. Антонян Ю.М. Причины преступного поведения. –М., 1992. –С. 114.
6. Бердиев Ш. Вояга етмаганлар ҳуқуқлари. Ҳуқуқшунос-юрист. 2008. №3.-14 б.
7. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (1989 йил), 6-10 моддалар.
8. Болаларга нисбатан зўравонлик бўйича бутунжаҳон ҳисоботи. –Т., 2009, –Б. 174.
9. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик. / Р.Кабулов, М.Рустамбаев, А.Отажонов ва бошқалар. / Масъул муҳаррир: Ш.Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – Б. 50.